



O'zbekiston Respublikasi, Fargona viloyati, Fargona shaxri, X/r 20208000904195942001, INN: 204107363, MFO: 01131,
Universalbank Farg'ona shahar filiali, tel: 226-07-57, 980-55-75, faks: 226-13-06, e-mail: himoyaaudit@gmail.com,

Салбий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Жарқўргон пахта тозалаш» АЖнинг раҳбариятига

Мен (биз), Фарғона шаҳри С.Темур кўчаси 225 уйда жойлашган, электрон почта манзили himoyaaudit@gmail.com, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрелда берилган №00775-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2007 йил 10 октябрда 119-сон билан рўйхатга олинган, СТИР 204107363, банк ҳисоб рақами 20208000904195942001 «Универсалбанк» Фарғона филиалида очилган, МФО 01131 масъулияти чекланган жамият шаклидаги «НІМОҲА-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Баҳромов Шерхон Хусанович (Аудитор малака сертификати №05592 03.11.2017 йилда берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Жарқўргон пахта тозалаш» АЖнинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат, 31 декабрь 2020 йил ҳолати бўйича молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Жарқўргон пахта тозалаш» АЖнинг тақдим қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий аҳборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Жарқўргон пахта тозалаш» АЖнинг 31 декабрь 2020 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний ақс эттирмайди ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайди.

МЧЖ «НІМОҲА-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:



Handwritten signature

Хамралиев Б.У.

Баҳромов Ш.Х